



ШАРҚШУНОСЛИК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ



2
2012



ШАРҚШУНОСЛИК 2012/2

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг илмий журнали

ISSN 2010 – 9687

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
УРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ НАШРИ

ШАРҚШУНОСЛИК

1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0053, 16.01.2007 й.)

Бош муҳаррир:

А.МАННОНОВ

Таҳрир хайъати:

Б.АБДУҲАЛИМОВ

Р.АБДУЛЛАЕВ

А.ВАҲОБОВ

Т.МУХТОРОВ

О.ШОМАТОВ

С.ҲАСАНОВ

М.ИСҲОҚОВ

Н.ТҲҲЛИЕВ

А.ҚУРОНБЕКОВ

Ш.ЁВҚОЧЕВ

У.ИДИРОВ

А.ҚОДИРОВ

Д.ПҮЛАТОВА

Э.МАҲМУДОВ

Қ.СОДИҚОВ

(масъул котиб)

Г.РИХСИЕВА

(бош муҳаррир ўринбосари)

Журнал докторлик ва номзодлик
диссертациялари юзасидан илмий
мақолалар чоп этилиши лозим
булган илмий нашрлар рўйхатига
Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси
томонидан киритилган.

МУНДАРИЖА

ТИЛШУНОСЛИК

- Содиқов Қ.** Қадимги туркий битигларда кечган сўзларни тушуниш ва матн интерпретацияси масаласи ... 3
- Қаҳҳоров А., Носирова М.** Араб тили синтаксисиди “*الجملة لا محل لها من الأعراب*”, яъни “гап бўлаги бўла олмайдиган жумла” тушунчаси..... 8
- Сулаймонова Н., Сулаймонова К.** “Кашшоф” тафсирининг тошбосма нусхалари ҳақида..... 15
- Қосимова С.** Араб тилида турланадиган ва умуман турланмайдиган сўзлар масаласи 21
- Абдулкасимова Л.** Араб адабий тилидаги ўзлашма тиббий атамалар 26
- Каримов Х.** Дарак ва буйруқ мазмунидаги араб халқ мақоллари стилистикаси..... 33
- Якубов Ж.** Хитой тилида сўз ўзлаштириш усули (спорт терминлари мисолида) 39
- Файзиёв Ф.** Корейс тилидаги *하다 hada* ёрдамчи феълининг семантик-грамматик хусусиятлари 43

АДАБИЁТШУНОСЛИК

- Кенжаева П.** Фирузан ҳикояларида услуб ва бадиий маҳорат..... 51
- Очилов О.** Хитойда Умар Хайём рубоийларининг ўрганилиши..... 54
- Шораҳмедова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида муаллиф услуби..... 58
- Турдиева О.** Амузода Ҳалилийнинг “Қарағайзорлардан нарида” ҳикоясида инсон руҳияти тасвири 65
- Абдуллаева Д.** Гада ас-Самманнинг романнавислик маҳорати..... 71
- Қорабоев С.** Амир Ҳамза Шинворий шахсияти ва ижодиёти 75
- Қаландаров М.** Классик форс шеърлятида рамз ва тимсолларнинг такомил босқичларини ўрганиш масалалари 79

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Нашрга тайёрловчилар:

А. ЗИЁДОВ (муҳаррир)
М. ЗАРИФОВ (техник муҳаррир)
Д. АРИФЖАНОВА (мусаххих)

Журнал оригинал-макет асосида босилди.

Индекс 100065.
E-mail: sharq_ilmiy@inbox.uz
Интернет: www.tashgiv.uz

© Шарқшунослик, 2012
Босишга рухсат этилди. 29.12.12
Бичими 1/16. Шартли б.т. 8,5
100 нусхада босилди. Буюртма №12
Баҳоси келишилган нарҳда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонасида босилди.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012

ТАРИХШУНОСЛИК ВА ФАЛСАФА

- Усмонов М.* Тарихий манба ва илмий адабиётларда Ўзбек қўнғиротлар этник тарихининг ёритилиши 83
- Шодмонова С.* Туркестонда Шарқ хотин-қизларига тиббий ёрдам хизмати тарихидан 88
- Музаффаров Ф.* Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фалсафий қарашларига Ўзгариш даври 93
- Тўйчиева О.* “Равзат ус-салотин”да Ироқ ва Рум султонлари таърифи 97

СИЁСАТШУНОСЛИК

- Каримов Ф.* Глобализация шароитида этник муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари 102
- Рашидов Р.* Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда тарихий, этномаданий омилларнинг ўрни 109

ИЛМИЙ АХБОРОТ

- Эшонжонов Б.* “Ал-Жомий ас-саҳих” асарининг ўрганилишига доир 115
- Тожибоева О.* “Насри Хамсаи беназир”нинг нашрлари ҳақида 119
- Қаюмова К.* Халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида предикативликни ифодалашнинг ўзига хос хусусиятлари 125
- Шакирова Ш.* XIX аср Хоразм таржима мактабида Бобожон Санойининг ўрни 132

ИЛМИЙ ҲАЁТ

- Илмий тадқиқот лойиҳалари: 2012 йил натижалари 136

Озода **ТОЖИБОЕВА**

“Насри Хамсаи беназир”нинг нашрлари ҳақида

XVIII–XIX асрларга келиб ўзбек адабиётида Алишер Навоий “Хамса” дostonларининг халқ қиссалари услубидаги насрий табдилларини яратиш анъанаси вужудга келди. Натижада халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда уларнинг турли намуналари яратилди. Ўзбекистонда тошбосма матбаалар очилиши муносабати билан ушбу насрий табдиллар кўплаб нусхада нашр этилиб, халқ орасига кенг тарқалди. Жумладан, Маҳзун яратган “Қиссаи Фарҳод ва Ширин” 1907 йилда, Умар Боқий насрий баёнлари ҳам Хислат ноширлиги остида 1908 йилдан бошлаб нашр этила бошлади. Яратилган насрий табдиллар “Хамса” дostonларининг айнан изоҳловчи табдили эмас, балки адибларнинг дostonга нисбатан ижодий ёндашишлари меҳнати маҳсули эди. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, тошкентлик китоб тожири, ношир Мир Маҳдум ибн Шохюнус эндиликда турли сюжетлар доирасидаги насрий табдиллар эмас, Навоийнинг ҳар бир сўзларини изоҳлаб, шарҳлаб берадиган, ҳатто оддий китобхонлар оmmasига ҳам тез етиб борадиган насрий баёнлар яратиш лозимлигини англаб етади. Ва илк бора “Хамса” дostonларининг (“Ҳайратул аброр”дан ташқари) байтма-байт, мисрама-мисра шарҳидан иборат изоҳловчи баёнини ишлаб чиқади. Куйида асар ва унинг турли хил нусхалари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтамиз.

В статье рассматриваются различные издания “Хамсы”. В XIX–XX веках в узбекской литературе были созданы различные ее варианты.

In the XIX–XX centuries were written several prosaic statements and at the same time “Xamsa”.

“Насри Хамсаи беназир” 1908 йилда Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси Ҳофиз Кўйкий маҳалласида жойлашган Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида нашр этилган. Асар 351 саҳифадан иборат. Китоб ўлчами 17x26см. Матн насталиқ хатида майда, чиройли хуснихатда нафис килиб битилган ва юқори савияда кўчирилган. Ҳар саҳифада хат қаторлари 23 йўлни ташкил этади. Муаллиф дostonларни ихчамлаштириб, қисса ҳолига келтиргани учун улар номини қисман ўзгартиради ва маълум сабабларга кўра куйидагича жойлаштиради:

“Искандарнома”

“Қиссаи ҳафт манзари Баҳром”

“Қиссаи Лайли ва Мажнун”

“Қиссаи Фарҳод ва Ширин”

Дostonларнинг рақамланиш тартиби ҳам ўзига хос тарзда, ҳар бир дoston алоҳида рақамланган. Бу ҳолат муаллиф ва хаттотнинг дostonларни ара-

лаштирмасдан алоҳида олиб қараганлиги ҳамда ўз ишига масъулият билан ёндашганини билдиради, ва ўз навбатида, бундай рақамланиш китобхонга ҳам бир мунча енгиллик туғдиради. Асар таркибидаги “Искандарнома” – 100 саҳифа, “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром” – 88 саҳифа, “Қиссаи Лайли ва Мажнун” – 52 саҳифа, “Қиссаи Фарҳод ва Ширин” – 111 саҳифадан иборат. Китоб титул варағининг ўрта қисмида асар номи берилган, юқори ва пастки қисмларида ноширнинг исми-шарифи, нашр этилган жойи ҳақидаги маълумотлар ўзбек ва форс-тожик тилларида қайд этилган. Китоб номидан сўнг пастки қисмида қуйидаги ёзувлар битилган:

“Жаноби шоири фасиҳ ул-лисон Мир Алишернинг “Хамса” манзумаларидан наср тариқида дурфишонлиқ айлаб Мир Махдум ибн Шоҳюнус эҳтимоми бирлан”.

Маълум бўладики, насрга айлантирувчи ва нашр қилдирувчи Мир Махдум ибн Шоҳюнус.

Китобда ҳар бир дoston сўнгида қия қилиб, илғаб олиш қийин бўлган ҳолатдаги кичикликда ҳижрий 1326 рақами қайд этилган. Бу мелодий 1908 йилга тўғри келади. Таниқли шарқшунос олим А.А.Семёнов¹ 1940 йилда қўл-ёзмалар фондидаги мавжуд Алишер Навоийнинг тошбосма асарлари каталогини тузиб чиқади ва мазкур асарни 1900 йил нашр этилган бўлиши мумкин, деб кўрсатади. А.Семёнов келтирган тахмин ишонарли эмас, чунки асарнинг бирор нусхасида бу сана учрамади, янада аниқроғи матбаахонанинг очилиши ва фаолияти тарихига оид маълумотлар ҳам бу масалага аниқлик киритади. Орифжонов матбааси ўз фаолиятини 1902 йилдан бошлагани ва унда илк бора Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” асари босилиб чиққанлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд². 1902–1903 йиллар мобайнида нашриёт “Ғуломия”, “Орифжонов” номлари билан фаолият юритган³. Яна бир қанча маълумотларда матбаахона ўз фаолиятини 1907 йилдан бошлаган дейилади⁴. Бугунги кунда матбаахона 1900 йилдан илгари ҳам ишлаганлиги, бироқ имкониятлар даражаси нисбатан кам бўлиб, кейинги йиллар мобайнида кенгайиб борганлиги маълум. Шунинг учун, “Ғуломия” матбаасида 1907–1908 йиллардан бошлаб нашр этилган китоблар кўпроқ. Таъкидлаб ўтиш жоиз, Ғулом Ҳасан Ориф-

¹ Семёнов А.А. Материалы к библиографическому указателю печатных произведений Алишера Навои и литературы о нём. –Т.: Гостехиздат, 1940. –С.10.

² Чабров Г.Н. Первые литографированные издания произведений Алишера Навои в Средней Азии. Звезда Востока. –Т., 1948. №3. –С.99.

³ Махмудова Р. Литографированные произведения и их значение в истории узбекской литературы (конец XIX и начало XX века). Автореферат. кан.наук филол. –Т., 1971. –С.11.

⁴ Кормилицин А.И. Судьбы книг. –Т.: Фан, 1994. –С.97; Есенбаева З.И., Ахунджанов Э.А. Здравствуй книга. –Т.: Узбекистан, 1982. –С.86.

озгина уринганлигини ҳисобга олмаганда китоб яхши сақланган. Боши ва охирги варақларида баъзи бир ортикча маълумотлар оддий ручкада ёзиб қўйилган. Чунки китоб аҳолидан йиғиб олинган ва уни харид қилган эгаси ушбу ёзувларни қайд этган бўлиши мумкин.

4723 инвентарь рақамли нусха. Оч кўк рангли қоғоз билан муқоваланган. Ўлчами 17х26 см. 23 йўл. Қоғознинг сифати жуда яхши. Бу нашрда достонлар ўрни алмашиб нашр этилган: “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром”, “Искандарнома”, “Қиссаи Лайли ва Мажнун”, “Қиссаи Фарҳод ва Ширин”.

Барча нусхаларда “Искандарнома”нинг биринчи бетида китобнинг тўлиқ номи ва бошқа маълумотлар берилган. Бу нусхада эса матн “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром” билан бошланиб, асар ҳақидаги маълумотларни берувчи титул варақ нашрдан тушириб қолдирилган. Иккинчи ўринда келувчи “Искандарнома” киссаси эса 5-варақдан бошланган, дастлабки варақлар йўқ. 5-саҳифанинг орқаси бўш, оддий оқ қоғоз ҳолатида ва китобхон томонидан “Искандарнома” деб ручкада ёзиб қўйилган. Қоғозининг сифатлилиги ҳамда достонлар ўрни алмаштирилганлиги учун бу нусха юқоридаги нусхалардан фарқли ўларок бошқа пайтда нашр қилинган, деган фикрни келтириб чиқаради.

10673 инвентарь рақамли нусха. Китоб тўқ сариқ рангли қоғоз билан муқоваланган. Ўлчами 17х26 см. Хат қаторлари 23 йўл. Юқоридаги учта нусха билан айнан бир хил. Дастлабки ва охирги варақлари йиртилган ва таъмирланган. Суратлари мухлислари томонидан турли рангларга бўялган.

20925 инвентарь рақамли нусха. Қадимий қўлёзма китобларга хос бўлган яшил рангдаги нақшинкор тарзда қалин жилд билан муқоваланган. Ўлчами 17х26 см. 23 йўл. Ҳақиқий шарқона анъанага муносиб, аслига мувофиқ нусха. Достонлар одатдагидек жойлаштирилган. Қоғоз сифати ўртача даражада, варақлари бироз уринган. Юқоридаги тўртта нусха рўйхати битта каталогда берилган, мазкур нусха ўзи айрим ҳолатда, каталогдаги маълумотлар ҳам янги. Китоб муқоваси ичидаги биринчи бетида “Сер.Малов, Тошкент, 1924, июль”, – каби маълумотлар оддий қора қаламда ёзиб қўйилган. Демак, китоб олим С.Е.Маловнинг назаридан ўтган ва ўз қўли билан ушбу санани қайд этиб қўйган.

Шарқшунослик институти тошбосма китоблар фондидаги нусхаларни кўздан кечириш натижасида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “Насри Хамсаи беназир” нусхалари ичида энг тўлиқ, мукамал, сифатли, бир хил ҳажмдаги, яхши ҳолатда сақланган нусхалар ушбу фонддаги нусхалардир.

ЎзР ФА Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фондидаги мавжуд нусхалари.

696 инвентарь рақамли нусха. Муқоваси малла рангда, тикилган. Ўлчами 17х26 см. 100 саҳифа. Хат қаторлари 23 йўлни ташкил этади. Бу “Искан-

дарнома”нинг алоҳида нашр этилган нусхаси. Матн жойлашиш тартиби, суратлар–ҳаммаси тўлиқ нусха билан айнан бир хил. Китоб жуда ғалати аҳволда, титул varaқ йўқ. Дастлабки varaқлар йиртилган ва матн 3-varaқдан бошланган. 8 varaқдан сўнг “Қиссаи Лайли ва Мажнун”нинг бир varaғи (50–51 бетлар) қўшиб тикилган. Охирги varaқ ҳам шу ҳолатда. Ҳамма нусхаларда одатда, титул унвон “Қиссаи Фарҳод ва Ширин” тугагандан сўнг орқа қисмида бўлгани сабабли, худди шу varaқ (1116, яъни муҳр) китоб охирига жойлаштирилган.

2332 инвентарь рақамли нусха. Китоб муқоваси оч кўк ранг қоғоз билан қопланган. Ўлчами 17x26 см. Хат қаторлари 23 йўлни ташкил этади. 52 varaқдан иборат. Қоғози сарғиш рангда бўлиб, сифати пастроқ. Бу китоб “Насри Ҳамсаи беназир” таркибидаги “Қиссаи Лайли ва Мажнун”нинг алоҳида нашр қилинган нусхасидир. Одатдаги сўнгги саҳифада бериладиган муҳр йўқ, varaқлари жуда уринган ҳолатда.

2880 инвентарь рақамли нусха. Ўлчами 17x26 см. Ҳар бир саҳифада хат қаторлари 23 йўлни ташкил этади. Китоб муқоваси худди 20925 инвентарь рақамли нусхага ўхшаш яшил рангдаги нақшланган қалин жилд билан муқоваланган, аммо нақшли жилднинг анча қисми йиртилган, жуда кам қисми сақланиб қолган. Асар номини билдирувчи титул унвон йўқ. Достонларнинг жойлашиш тартиби ҳам ўзига хос тарзда: “Қиссаи Фарҳод ва Ширин”, “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром”, “Қиссаи Лайли ва Мажнун”.

Китоб “Қиссаи Лайли ва Мажнун”нинг якуни – 52-саҳифа билан тугаган, муҳр йўқ. Асарнинг номи билан бошланувчи “Искандарнома” нашрдан тушириб қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи қўлэмалар фондидаги мавжуд нусхалар.

1185 инвентарь рақамли нусха. Муқоваси сиёҳранг жилдли қоғоз билан қопланган. Ўлчами 16,5x25 см. Хат қаторлари 23 йўл. Ўлчами бошқа нусхалардан кичикроқ. Китобдан “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром” нашрда тушириб қолдирилган. “Искандарнома”нинг 5, 6, 7, 8-varaқлари йўқ. Ўлчами бошқа нусхаларга нисбатан кичикроқ бўлгани сабабли, ёзув зич ҳолатда.

232 инвентарь рақамли нусха. Муқоваси сариқ рангда. Ўлчами 18x28 см, бошқа нусхаларга нисбатан йирикроқ. Хат қаторлари 23 йўл. Жуда эски ҳолатга келиб қолган, varaқлари йиртилган, қайтадан таъмирланган. Достонлар одатдаги тартибда жойлашган. Китоб тикилгани учун, мутолаа қилишга бироз қийинчилик туғдиради. Қайта таъмирлангани учун титул varaқда четларидаги маълумотларни ҳам тўлиқ ўқишнинг иложи йўқ.

31 инвентарь рақамли нусха. Муқоваси оч сарғиш рангда. Ўлчами бошқа нусхалардан каттароқ. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу нусха музейдаги иккинчи қаватда Навоий асарлари қаторида кўргазмалар залига қўйилган. Кўрсатилган маълумотда Навоий “Хамса”сининг 1906 йилда нашр этилган насри баёни деб кўрсатилган. Бошқа нусхаларда бўлганидек, бу нусхада ҳам қиссалар сўнггида қия қилиб араб рақамларида хижрий 1326 санаси қайта этилган. Адабиётларда айрим ўринларда 1326 рақами милодий 1906 йилга тўғри келади, дея кўрсатилади. Музейдаги маълумотда ҳам 1906 йилги нашри дейилишига сабаб шу ҳолат бўлиши мумкин.

Шарқшунослик институтига олинган Ҳамид Сулаймон фондидаги нусхалар ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида қолдирилган маъмурий нусхалар дастлаб битта фондда йиғилиб, сақланганини инобатга олиб “Насри Хамсаи беназир” асарининг энг қизиқарли, шакл ва ҳажмлари жиҳатидан ҳар хил, сирли ўзгаришларга бой нусхалари ушбу фондда жамланган дейиш мумкин. Қизиқарлиси шундаки, Орифжонов матбаасида ишлаётган ишчилар ҳам шахсий кутубхоналарида сақланаётган китобларни кўрсатиб Адабиёт музейига топширган экан⁶.

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг нодир қўлёзмалар бўлимидаги мавжуд нусхаси.

40632 инвентарь рақамли нусха. Муқоваси эски сариқ рангда. Ўлчами 17х26 см. Хат қаторлари 23 йўл. 111 саҳифа. Дастлабки 3 варақ йўк. Бошқа нусхаларга солиштиришлар натижасида аниқландики, бу айнан “Насри Хамсаи беназир” таркибидаги “Қиссаи Фарҳод ва Ширин” қиссаси. Матн жойлашиш тартиби, суратлари ҳам бир хил. Китоб анча уринган. Демак, “Қиссаи Фарҳод ва Ширин” алоҳида ҳам нашр этилган экан.

Асар таркибидаги қиссалардан фақат “Қиссаи ҳафт манзари Баҳром”нинг алоҳида нашр этилган нусхаси топилмади. Манба нусхалари устига олиб борилган кузатишлар натижасида “Насри Хамсаи беназир” асарининг яхлит ва алоҳида ҳолатда нашр этилган ўн икки тошбосма нусхаси аниқланди. Ҳозирча бу асарнинг қўлёзма нусхаси топилмади.

Тошбосма матбаалар тиражи бир марта чоп этишда 500-600 нусхагача бўлган. Агар қўлёзмалар фондидаги мавжуд нусхаларга бу рақамни солиштириш сақланиб қолган нусхалар жуда кам. Китоб эски шаҳар аҳолиси қўлида сақланаётган бўлиши мумкин. Асар ҳақидаги маълумотларда унинг неча нусха чоп этилганлиги қайд этилмаган. Кўп сонда нашр қилингани учун тошбосма нусхалар орасида деярли катта фарқ йўк. Нашрда қиссалар ўрни алмаштирилганига қарамай матнлар жойлашиш тартиби, суратлар бир хил, қўлёзма нусха

⁶ Бобохонов А. Ўзбек матбааси тарихидан. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –Б.67.

ларга хос бўлган алоҳидалик, ўзига хослик уларга хос эмас. Китоб таркибидаги қиссаларнинг бирга ва айрим ҳолда нашр этилгани ҳамда ўлчамлари ўрта-сидаги фарқлар уларнинг китобхонлар хоҳиш-истакларига биноан турли вақт-да, турли шаклда нашр қилинганлигини ҳам билдиради.

Камола КАЮМОВА

Халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида предикативликни ифодалашнинг ўзига хос хусусиятлари

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар умумий юридик ҳужжатларнинг бир соҳаси ҳисобланиб, унинг матнини шакллантириш бирлиги ҳисобланган гапнинг тузилиши тил сатҳларининг (фонетик, лексик, грамматик, стилистик) қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда тузилган бўлади. Шу билан бирга гап иложи борича қисқа, лўнда ва аниқ тузилишни талаб қилади¹. Тадқиқ қилинган халқаро ҳуқуқ ҳужжатларининг гаплари оғзаки нутқда ва бадиий адабиётда ишлатиладиган гап турларидан кескин фарқ қилади. Агар оғзаки нутқда ва бадиий адабиётда ишлатиладиган гапларнинг тузилиши бўйича барча (бир составли, икки составли, содда, содда йиғиқ, содда ёйиқ, қўшма, мураккаб, эргашган) турлари кенг ва эркин ишлатилса, қонун ва юридик ҳужжатлар матнларидаги гапларнинг турлари асосан икки составли, содда ёйиқ ҳамда қўшма ва мураккаб эргашган гаплардан иборат бўлиб, улар грамматика қоидаларига қатъий риоя қилишни талаб қилади. Аммо барча гап турлари қатори мураккаб эргашган гапларнинг барча турларининг ишлатилиши чегараланган бўлади. Айни пайтда гапнинг мақсадига қараб тавсифланган турларининг (дарак, сўроқ, буйруқ, ҳис хаяжон) барчаси ҳам ҳуқуқ матнларида учрамайди. Юридик матн гапларига хос хусусият шундан иборатки, унда фақат дарак гаплар қўлланилади, холос. Шунинг учун биз ўз тадқиқотимизнинг мақсад ва чегарасидан келиб

Данная статья посвящена изучению на материале текстов международно-правовых документов синтаксико-семантического содержания категории предикативности, которая реализуется и активизируется через такие синтаксико-семантические категории, как категория времени, модальности, лица и залога, а также установление их формальных дистрибутивных особенностей и лексической базы.

This article is devoted to the study of predicative category of the predicate as the central element in revealing the main essence of the sentence presented by such syntactic-semantic categories as tense, modality, person, voice and defining their formal distributive features and lexical basis on the materials of the international legal documents.

¹ Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик технологияси асослари. –Т., 2001. –Б.46.